

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ЎЗБЕК ТИЛИ РАСМИЙ УСЛУБИ

Лутфуллаева Дурдона Эсоновна

ф.ф.д., профессор. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори
1965ddd@mail.ru

For citation: Esonova Durdona. Official style of uzbek language. International Journal of Word Art. 2019, vol. 1, issue 1, pp. 3-11



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-1-1>

Келиб тушган сана 10 март, 2019

Эълон қилинган сана 31 март, 2019

АННОТАЦИЯ

Мақолада мустақиллик даври ўзбек тили расмий услуби лексикасидаги ўзгаришлар, расмий услуб лексик бирликларининг услубий хосланиши, қўлланиш доираси, матн ҳосил қилишдаги ўрни таҳлил қилинди. Расмий услубда матнга расмийлик бўёғини берувчи, муайян грамматик шаклида тил эгалари хотирасидан ўрин олиб, шу шаклида сақланиб қолган, расмий ҳужжат матнида ҳар гал бир хил қолипда ишлатилувчи услубий хосланган лексик бирликлар ажратилиб, расмий матндаги вазифаси ўрганилди. Расмий услуб бўёғига эга бўлган, асосан, иш юритиш ҳужжатлари матнида қўлланувчи канцеляризмларнинг расмий матни яратишда қўлланиши зарур бўлган бирликлар эканлиги кўрсатилди. Расмий услубда матннинг мантиқий-семантик жиҳатдан таркиб топишида муҳим ўрин тутувчи махсус лексика ажратилди. Уларнинг айримлари муайян грамматик шаклда қўлланишга хосланган, қолиплашган шаклда бўлса-да, матннинг мантиқий-семантик жиҳатдан таркиб топишида ядро вазифасини бажариши, матндаги бошқа бирликларнинг айна шу таянч бирлик - ядро атрофида жамланиши илмий асосланди. Расмий услуб матнида қўлланувчи соҳавий терминлар, уларнинг турли ҳужжат матнларида қўлланиш частотаси ҳамда матннинг таркиб топишида таянч бирликлар вазифасини ўташи кабиларга муносабат билдирилди. Шу билан бирга, мустақиллик даврида расмий иш ҳужжатлари услубида рўй берган лексик ўзгаришлар ўрганилди. Бунда, асосан, рус тилидан ўзлашган бир қатор лексик бирликларнинг "ўзбекчалаштирилиши", расмий услуб лексик тизимига янги сўзларнинг кириб келиши, айрим сўзларнинг эскириб, расмий услуб лексик тизимидан чиқиб кетиши, баъзи архаик сўзларнинг қайта тикланиб, расмий услубнинг фаол бирлигига айлантирилиши каби масалалар таҳлилга тортилди.

Таянч сўзлар: расмий услуб, расмий услуб лексикаси, канцеляризмлар, услубий хосланган лексика, нейтрал лексика, расмий матннинг таянч бирликлари, ассоциатив муносабат.

ОФИЦИАЛЬНЫЙ СТИЛЬ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА

Лутфуллаева Дурдона Эсоновна

Профессор кафедрے узбекского языкознания Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, доктор филологических наук, профессор

 АННОТАЦИЯ

В статье анализируются изменения в лексике узбекского языка периода независимости, стилистические особенности лексических единиц официального стиля, круг их употребления, роль в образовании текстов. В официальном стиле выделены лексические единицы, придающие тексту официальный тон, запечатленные в определенной грамматической форме в памяти носителей языка и сохранившиеся в этой форме, используемые в одинаковом шаблоне в тексте официального документа, изучена их функция в официальном тексте. Показано, что канцеляризм, применяемые в тексте документов делопроизводства, являются единицами, которые должны быть применены в составлении официального текста. В официальном стиле выделена специальная лексика, занимающая важное место в логико-семантическом строе текста. Научно обосновано, что некоторые из этих лексических единиц, хотя и адаптированы к использованию в определенной грамматической форме, выполняют роль ядра в логико-семантическом строе текста, а остальные единицы текста группируются вокруг этих опорных единиц - ядра. Высказано отношение к отраслевым терминам, используемым в тексте официального стиля, частоте их использования в текстах различных документов и их роли в качестве опорных единиц в строении текста. Наряду с этим, изучены лексические изменения, произошедшие в стилистике официальных деловых документов в период независимости. При этом в основном проанализированы такие вопросы, как "обузбечивание" ряда лексических единиц, усвоенных из русского языка, прихода в лексическую систему официального стиля новых слов, устаревания некоторых слов и выхода из лексической системы официального стиля, восстановления некоторых архаизмов и превращения в активные единицы официального стиля.

Ключевые слова: лексика официального стиля, канцеляризм, стилистически адаптированная лексика, нейтральная лексика, опорные единицы официального текста, ассоциативные отношения.

OFFICIAL STYLE OF UZBEK LANGUAGE

Lutfullayeva Durdona Esonova

Tashkent State University of the Uzbek language and literature named after Alisher Navoi,
 Professor of the Uzbek linguistics department, Doctor of philology

 ANNOTATION

The article analyzes the changes in the lexicon of the official style of the Uzbek language during the period of independence, the methodology of the lexical units of the official style, the sphere of application and their role in creating a text.

Lexical units constituting the official style, memorized in a particular grammatical form on language user's mind, used in the same structure in the official documents, have been collected and their function in the official text was studied. The role of the units of official style, which are mainly used in creating official texts in the formal documents of stationery, has been highlighted. In this regard, a special lexicon of the official style, which plays an important role in the logical and semantic context of the text has been selected. Their core function in the logical and semantic formation of the text, no matter of their specific grammatical feature, was scientifically substantiated. Professional terms used in the official style text, their frequency of use in various documentary texts, and their role as the basic units in the content composition have been discussed. At the same time, the lexical changes, during the period of independence, in particular in the style of the official documents were studied. Consequently, "translating into Uzbek" some of the lexical units borrowed from the Russian language, the introduction of the new words into the official style of the lexical system, the removal of some words out of the formal style lexical system, revival of some archaic words and transforming them to the active units of the formal style have been analyzed.

Key words: official style, official style lexicon, stationary, stylistically formed lexicon, neutral lexicon, basic units of the official text, associative reaction.

Расмий услуб бошқа нутқ услублари каби ўзлексик қатламига эга. Расмий услуб лексикаси узоқ йиллар давомида шаклланган, турли даврларда муайян ўзгаришларга учраган ва бойиб борган. Расмий доирадаги ўзаро ҳамкорлик, хусусан, ташқи алоқаларнинг ривожланиши, бир томондан, расмий ҳужжатлар турининг кўпайишига ҳамда такомиллашувига туртки берган бўлса, бошқа томондан, лексик қатламнинг бойишига ҳам сабабчи бўлган. Расмий мулоқот доирасининг кенгайиб бориши натижасида бу услуб лексикасига янгидан-янги ўзлашмалар кириб келган, янги ясалмалар ҳосил қилинган. Айниқса, мустақилликка эришилгач, юртимизда олиб борилаётган туб ислохотлар, бошқарув тизимидаги янгиланишлар, иқтисодий, маданий ҳаётдаги ўзгаришлар, фан-техника соҳасидаги ютуқлар, компьютер технологиясининг ривожланиши ва ҳар бир соҳага жадал кириб келиши расмий мулоқот доирасида ҳужжатларни юритишга ўз таъсирини кўрсатди. Бу даврда давлатимизнинг дунё сахнасига чиқиши, халқаро алоқаларнинг йўлга қўйилиши расмий иш ҳужжатларини такомиллаштириш, тартибга солиш, қайта таҳрир қилиш эҳтиёжини юзага келтирди. Натижада расмий иш юритиш услубида сўз танлаш, сўз ясаш, сўз қабул қилиш билан боғлиқ қатор ўзгаришлар юзага келди, ўзбек ҳужжатчилигида узоқ йиллар давомида қўлланиб келинган баъзи ўзлашма бирликлар ўзбекча муқобили билан алмаштирилди. Иш ҳужжатлари матнида янги синтактик қолиплар шакллантирилди, ҳужжат матнини ёзиш тартибига айрим ўзгаришлар киритилди ва ҳоказо. Ўзбек тили расмий услуби лексик қатламида юз берган жиддий ўзгаришлар айнан мустақилликка эришилгандан кейинги даврга тўғри келди.

Расмий услуб лексик қатламига назар ташлар эканмиз, унда шу услубнинг ўзигагина ҳос бўлган сўзлар фаол қўлланишига ғувоҳ бўламиз. Расмий иш ҳужжатларининг ҳар бир тури фаол қўлланувчи ўзлексик бирликларига эгаллиги билан ажралиб туради. Жумладан, мазмуни ва ҳажмидан қатъи назар, аризининг барча

кўринишларида ариза, сўрамоқ, илтимос қилмоқ (сўрайман, сўраймиз, илтимос қиламан, илтимос қиламиз грамматик шаклларида) лексик бирликлари фаол ишлатилади. Ёки ҳар қандай таржимаи ҳолда, албатта, мен, тугилмоқ, ота, она, ишламоқ, ўқимоқ, оила, манзил лексемалари такрорланади. Бундай бирликлар муайян иш ҳужжатида фаол қўлланувчи лексик қатламни ташкил этади.

Расмий услубда уни бошқа нутқ услубларидан ажратиб турувчи услубий хосланган лексик бирликлар алоҳида аҳамиятга эга. Расмий услубда матнга расмийлик бўғини берувчи, муайян грамматик шаклида тил эгалари хотирасидан ўрин олган ва шу шаклида сақланиб қолган, расмий ҳужжат матнида ҳар гал бир хил қолипда ишлатилувчи бирликлар мавжуд. Масалан, буйруқ, кўчирма, қарор матнида эшитмоқ, буюрмоқ, қарор қилмоқ, сўзга чиқмоқ феъл лексемалари ҳар гал буюраман, сўзга чиқдилар, қарор қилинди грамматик шаклларида қўлланилади. Бундай лексик бирликлар, гарчи бошқа нутқ услубларида ҳам қўлланса-да, айнан шу грамматик шаклида расмий услубга хосланган ва расмийлик бўғинига эга бўлган.

Тилшунослиқда расмий услуб бўғинига эга бўлган, асосан, иш юритиш ҳужжатлари матнида қўлланувчи бу каби бирликлар канцеляризмлар (сўз, сўз бирикмалари, грамматик шакллар, синтактик қурилмалар) деб юритилади. [5. <https://stylistics.academic.ru/>].

Ўзбек тилшунослигида ҳам расмий иш ҳужжатлари матнида қўлланувчи канцеляризмлар ажратилган, уларнинг моҳияти, матн ҳосил қилишдаги аҳамияти қайд этилган. Айрим манбаларда канцеляризмларнинг расмий матнни тузишда зарурийлиги тан олинса-да, уларга нутқнинг софлигига путур етказувчи бирликлар сифатида баҳо берилади. Жумладан, Н.Маҳмудовнинг фикрича, "Расмий иш қоғозлари, умуман, идоравий ёзишмалар услубида доимий қўлландиган, турғунлашган, қолиплашган сўз, сўз бирикмаси ва иборалар ҳам мавжудки, уларни ишлатишда ақлга куч келмайди, улар айни услубда матн тузишда нутқий

одатга айланган. Тилшуносликда идоравий сўз ва иборалар ёки канцеляризмлар деб юритиладиган бундай birlikлар ҳужжатлар тили учун зарурий унсурлардир, чунки уларнинг қолиплашганлиги ҳам нутқ тузишни, ҳам бу нутқни жадал тушунишни сезиларли даражада қулайлаштиради. Аммо канцеляризмлар сўзлашув, публицистик ва бадий нутқда киритилар экан, нутқнинг софлиги анчагина зарар кўради". [4. 131, 146]. Албатта, канцеляризмлар расмий матннинг умум учун тушунарли ҳамда тез қабул қилинишини таъминлар экан, уларни ҳужжат матнининг зарурий компоненти, матнда қўлланилиши лозим бўлган birlikлар сифатида қабул қилиш лозим.

Расмий услубда канцеляризмлар билан бирга, матннинг мантиқий-семантик жиҳатдан таркиб топишида муҳим ўрин тутувчи махсус лексиканинг қўлланиши ҳам аҳамиятли. Расмий матнда қўлланувчи бундай birlikларни матннинг таянч структурасини белгиловчи махсус лексик birlikлар сифатида баҳолаш мумкин. Уларнинг айримлари канцеляризмлар каби муайян грамматик шаклда қўлланишга хосланган, қолиплашган шаклда бўлса-да, расмий матннинг мантиқий-семантик жиҳатдан таркиб топишида ядро вазифасини бажаради.

Расмий услубда қўлланувчи бундай birlikлар ҳам матннинг расмий тус олишида муҳим ўрин тутади. Масалан, барча турдаги васиятномада мен, яшовчи, фуқаро, васият қилмоқ, васият қилувчи, мерос, нотариус, нусха, имзоламоқ, тасдиқламоқ лексик birlikларни фаол ишлатилади. Аммо бу birlikлардан васият қилмоқ, васият қилувчи, лексемалари васиятнома матнининг мантиқий-семантик жиҳатдан шаклланишида алоҳида аҳамиятга эга. Улар васиятнома матнининг мантиқий-семантик жиҳатдан шаклланишида қўлланиши зарур ва шарт бўлган birlikлар саналади. Матнни ташкил этувчи бошқа birlikлар айтилиши шу таянч birlikлар атрофида жамланади. Масалан, ҳар қандай кафолат хаги матнида кафолат бермоқ (кафолат берамиз, кафолат берилади, кафолат беради грамматик шаклларда) феъл лексемаси, албатта, иштирок этади. Бу лексема айтилиши ҳужжат матнида

қўлланилиши лозим ва шарт бўлган, ҳаттоки ҳужжат турининг моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи birlik ҳисобланади. Ёки ишончнома матнида қўлланувчи ишонч билдирмоқ (ишонч билдираман, ишонч билдиради грамматик шаклларда) ёки ваколат бермоқ (ваколат бераман, ваколат беради шаклларда) лексик birlikлари расмий ҳужжат матнини мантиқий-семантик жиҳатдан таркиб топтирувчи таянч birlik ҳисобланади.

Соҳавий терминларнинг матн таркибий қисмларини уюштиришда ўрни катта. Ҳужжат турига қараб уларнинг расмий матнларда қўлланиш частотаси турлича бўлади. Айтилса, расмий ҳужжат матнида таянч birlikлар вазифасини ўтовчи терминларнинг қўлланиш частотаси юқори бўлади. Расмий матнларда энг кўп учрайдиган терминлар юридик ва иқтисодий соҳа терминларидир. Масалан, рўйхатга олиш/ қайд этиш (рўйхатга олинган, рўйхатга олинди, қайд этилган шаклларда) юридик термин барча турдаги хатлар, муасаса, ташкилот, корхона низомларида, шартномалар ва айрим аризаларда (масалан, автомобилни рўйхатга олиш учун ёзилдиган ёки фуқарони тураржойга қайтлаш сўраб ёзиладиган аризаларда), молк-мулкни хатлаш далолатномаси ҳамда ҳужжатларни рўйхатга олиш дафтарларида кенг қўлланилади. Шунингдек, шахсий мулк юридик термини маълумотнома, шартнома, васиятнома каби ҳужжатлар матнида фаол ишлатилади. Айрим юридик терминлар расмий ҳужжатнинг фақат маълум турида қўлланди-да, ҳужжатнинг асл моҳияти ҳақида маълумот ташувчи birlik мақомида бўлади. Масалан, ариза матнида қўлланган хусусийлаштириш юридик термини ариза тури, аризачининг мақсади кабиларни зудлик билан илгаб олишга ёрдам беради.

Расмий ҳужжат матнларида иқтисодий соҳага оид кирим, чиқим, олди-сотди, сарф-харажат, бюджет, тўлов, даромад, смета терминлари ҳам кўп учрайди. Бу терминлардан айримлари бир неча расмий ҳужжат турларида ишлатилса, баъзи терминлар фақат муайян иш ҳужжати матнида қўлланилади. Жумладан, бюджет термини айрим шартнома ва буйруқлар

матнида учрайди, смета, даромад, сарф-харажат, кирим, чиқим терминлари кўпинча маълумотнома, далолатномаларда қўлланилади. Бундай терминлар ҳам баъзида матни мантиқий-семантик жиҳатдан шакллантиришга хизмат қилувчи таянч бирликлар мақомида бўлади. Масалан, ишчининг даромади ҳақидаги маълумотномада даромад термини расмий ҳужжат матнининг мантиқий-семантик ўзағини ташкил қилади. Матндаги бошқа бирликлар бу термин атрофида бирлашиб, ҳужжат матнини шакллантиришга ёрдам беради.

Маълум бўладики, расмий услубнинг ҳар бир тури ўз лексик бирликлари мажмуига эга. Лексик бирликларнинг қўлланиш доираси расмий ҳужжатнинг турига кўра фарқланади. Шуниси характерлики, айрим иш ҳужжатлари матнида қўлланивчи лексик бирликлар бошқа иш ҳужжати матнида мутлақо ишлатилмаслиги мумкин. Жумладан, "Иш юритиш" китобида кўрсатилишича, "хизмат ҳаглари ҳиссий-бўёқдор сўзлардан холи бўлиши талаб этилса, дипломатик ёзишмалар, аксинча, ҳиссий-бўёқдор сўзларга бойлиги, мақтов ва илтифот сўзларига эгаллиги билан ажралиб туради. Мақтов сўзлари дипломатик ёзишмаларнинг энг асосий тури бўлмиш нога, баёнотларнинг зарурий қисмларидан бири ҳисобланади. Уларнинг оз-кўп қўлланишига кўра ушбу ҳужжатлар маълум бир турларга ҳам ажралади". [1. 304].

Шуниси характерлики, расмий ҳужжатларнинг муайян бир туридагина қўлланиладиган лексик бирликлар бири-бири билан семантик жиҳатдан шу қадар зич алоқада бўладики, улар ассоциатив тарзда бир-бирини ёдга солиб туради. Рус тилишуноси Ю.Н.Караулов қайд этганидек, ҳар қандай сўз инсон онги, хотираси, худди шундай, нутқий тузилмаларида ҳам алоҳида тарзда мавжуд бўлмас экан, у унлаб, юзлаб "иплар" орқали бошқа сўзларга томон интилар экан [3. 191], расмий услубга хос ўзаро ассоциатив боғланган лексик бирликлар ҳам тил эгалари хотирасида алоҳида ҳолда сақланмайди. Расмий услуб матнида қўлланивчи ассоциатив муносабатдаги бундай лексик бирликлар бир-биринигина эмас, балки муайян

ҳужжат турини ҳам эсга туширади. Масалан, васиятномалар матнида учрайдиган васият қилмоқ, васият қилувчи, мерос, меросхўрлик лексик бириклари мажмуи бир-бири билан ассоциатив тарзда боғланган бўлиб, тил эгаларига васиятнома ҳужжатини ёдга солади.

Васиятномаларда тил эгалари лисоний хотирасидан ўрин олган шундай сўз бирикмалари ҳам учрайдики, улар айни шу ҳужжат тури матнини шакллантиришга хизмат қилади: васият қилувчининг хоҳиши-иродаси, мерос жамғарма, мерос мулк, меросга эгалик, меросга эгалик ҳуқуқи, меросга бўлган ҳуқуқ, мерос қолдирувчи, васиятномани имзолаш, васиятномани бекор қилиш, махфий васиятнома кабилар. Бундай сўз бирикмалари илк васиятномаларни яратиш жараёнида ҳосил қилинган бўлса-да, йиллар ўтиб тил эгалари лисоний захирасидан лексик бирликлар каби мустақкам ўрин олганлиги боис уларнинг хотирасида осон ва тез тикланади. Бу каби сўз бирикмалари тил эгалари томонидан асосан шу шаклда қўлланиб, хотирасига ўрнашиб қолганлиги сабабли ҳар гал васиятнома матнини тузишда лисоний захирадан тайёр ҳолда олинади. Англашиладики, ассоциатив муносабатдаги лексик бирликлар эмас, балки тил эгалари лисоний захирасидан ўрин олган сўз бирикмалари, ҳатто айрим гаплар ҳам расмий матнларни яратишда қурилиш материали вазифасини бажаради. Эътиборлиси шундаки, васиятнома матнига хос қайд этилган лексик бирликлар ҳамда сўз бирикмалари унинг матнини шакллантирувчи таянч бирликлар ҳисобланади.

Расмий иш ҳужжатлари матнида услубий хосланган лексик қатламга нисбатан умумтил лексикасига оид нейтрал лексиканинг қўлланиш даражаси устувор. Бу қатламга услубий хослик белгисига эга бўлмаган, расмий услубда ҳам қўлланивчи лексик бирликлар киради. Масалан: шаҳар, кўча, уй, хонадон, тураржой, жамоа кабилар. Шуниси характерлики, расмий услубда умумтил лексикасига оид баъзи умумнутқий бириклар айрим ҳолларда махсус лексика билан алмаштирилиши мумкин. Бундай вазиятда умумтил

лексикасига оид бирлик услубий хосланиш белгисига эга бўлади. Масалан, далолатнома ёки васиятнома аниқ шахслар томонидан ёзилса-да, унинг матнида ёзмоқ сўзи ўрнида мажҳул нисбатдаги тузилмоқ (тузилди) сўзи ишлатилади. Хат, хабар матнида бу сўз ўрнида жўнатилмоқ сўзи қўлланади. Маълумотномада эса ёзмоқ сўзи берилмоқ (берилди) сўзи билан алмаштирилади. Ҳатто берилмоқ сўзи ҳам бирор ҳодимга ҳайфсан, огоҳлантириш бериш ҳақидаги фармойиш матнида эълон қилинсин сўзи билан ўрин алмашади. Муқофот бериш тўғрисидаги фармойиш матнида бу сўз ўрнида тавсия этилсин сўзи қўлланилади. Англашиладики, расмий ҳужжатлар услубида барча бирликлар эркин қўлланавермайди. Бу услубда лексик бирликлар танлаб ишлатилади, расмий услубда қўлланган бирликларнинг ҳар бири муайян вазифа бажаришга йўналтирилади. Шу боис расмий услуб матнида ориқча бирликларга, такрор қўлланишларга йўл қўйилмайди.

Расмий услуб нутқ эгаларининг расмий доирадаги мулоқотини акс эттиргани учун унда кишиларнинг ҳиссий кечинмаларини намоён этувчи ундов сўзлар, кўчма маъноли сўзлар, муносабат ифодаловчи модал сўзлар, нутқни образли ифодалашга хизмат қилувчи тасвирий ифодалар, шунингдек, иборалар ҳам қўлланмайди. "Иш юритиш" китобида таъкидланишича, "Ҳужжатлар расмий муносабатларни ифодаловчи ва қайд этувчи расмий ёзма воситалар сифатида ахборотни холис акс эттироғи лозим. Шунинг учун ҳужжатлар тилида сўз ва сўз шакллари қўллашда муайян чегараланишлар мавжуд. Хусусан, расмий иш услубида кичрайтириш-эркалаш кўшимчаларини олган сўзлар, кўтаринки-тантанавор ёки бачкана, дағал сўзлар, шевага оид сўзлар, тор доирадаги кишиларгина тушунадиган ўхшатиш, жонлантириш, муболага, истиора, ташхис каби образли тафаккур ифодаси учун хизмат қилувчи усуллар ишлатилмайди. Уларнинг ишлатилиши ҳужжатлар матнидаги ифоданинг ноҳолислигига олиб келади" [2. 15].

Маълум бўладики, расмий услуб тор доирадаги лексик воситалар билан иш

қўришга хосланган нутқ услубидир. Унинг ўз лексик тизими, бошқа услубларда кузатилмайдиган махсус бирликлари мавжуд. Расмий услуб лексик тизимига исталган неологизм ёки чет сўз, янги ясама эркин кириб келавермайди.

Расмий услубда қуйидаги лексик воситаларнинг қўлланишига нисбатан қатъий чекловлар қўйилган: 1) коннотатив маъно, баҳо муносабатини ифодаловчи лексик бирликлар; 2) неологизмлар (баъзи ҳужжатлар матнида неологизмнинг қўлланиши кузатилади, бундай вақтда унинг маъноси қавс ичида изоҳланиб кетилади); 3) эскирган сўзлар; 4) шевага оид сўзлар; 5) синонимлар (баъзан синонимик муносабатдаги терминларнинг қўлланишига эҳтиёж туғилганда уларнинг муқобили қавс ичида ёзилишини кузатиш мумкин); 6) эвфемизмлар; 7) жаргон ва арголар; 8) варваризмлар ва паразит сўзлар.

Баъзан муайян тилнинг расмий услуб лексикаси туб инқилобий ўзгаришлар асосида жиддий янгиланишларга юз тутиши, яъни янги лексемалар ҳосил қилиниши, айримлари истъомолдан чиқиб кетиши, ўрнини бошқасига бўшатиб бериши, янги бирликлар ўзлаштирилиши мумкин. Бундай ўзгаришлар ҳам расмий услуб лексикасига фақат шу услубга хос бўлган лексик бирликларнинг кириб келиши ёки ҳосил қилинишига йўл очади, бу услубга ёт сўзлар унинг лексик қатламидан ўрин ололмайди.

Сир эмаски, жамият ҳаётидаги ҳар қандай сиёсий-ҳуқуқий бурилиш, аввало, унинг расмий ҳужжатларида ўз аксини топади. Биргина мисол. Республикамизнинг собиқ Иттифоқ таркибидан ажралиб чиқиб, мустақилликка эришуви бевосита 1990 йил 20 июнда қабул қилинган "Мустақиллик Декларацияси"да, 1991 йил 31 августда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти", шунингдек, кетма-кет чиқарилган "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида"ги қарор ва "Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонунида акс этди. Қонунчиликдаги ушбу расмий ҳужжатлар

орқали ўзбек тили расмий услубига давлатимиз ҳаётида рўй берган бу муҳим сиёсий инқилоб билан боғлиқ янги сўз ва сўз бирикмалари кириб келди. Бунинг натижасида ўзбек тили расмий услуби, хусусан, қонунчилик ҳужжатлари услубидан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги, мустақиллик, Мустақиллик декларацияси, қонун устуворлиги, давлат рамзлари, давлат байроғи, давлат герби, Ўзбекистон мадҳияси, миллий валюта, Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги каби кўплаб бирликлар ўрин олди.

Мустақиллик даврида лексик ва синтактик қурилиш тубдан ўзгарган расмий услубда янги муқобил лексикани яратиш муаммоси муҳим ўрин тутди. Узоқ йиллар давомида расмий услубда қўлланиб келинган русча сўзларни ўзбекча муқобил лексик бирликлар билан алмаштирилишида, айниқса, эстраллингвистик омиларнинг роли катта бўлди. Жумладан, ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши бу тилнинг ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида кенг қўлланиш имкониятини яратди. Ўзбек тили расмий услуб нутқида ҳам эмин-эркин кириб келди. Ўзбек халқи расмий иш ҳужжатларини ўз тилида ёзиш имкониятига эга бўлди. Бу каби эстраллингвистик омилар расмий услуб лексик қатламини такомиллаштириш, бошқача айтганда, "ўзбекчалаштириш" эҳтиёжини юзага келтирди. Мана шу оми асосида расмий услуб лексикасини ўзбекча сўзлар билан бойитишга эътибор қаратилди.

Мустақиллик даври ўзбек тили расмий услуб лексикасидаги янгиланиш ва ўзгаришлар, айниқса, иш ҳужжатлари услубида яққол намоён бўлди. Маълумки, республикамиз мустақилликка эришгунга қадар юртимизда расмий иш ҳужжатлари, асосан, рус тилида яритилган. Жуда кам турдаги ҳужжатлар ўзбек тилида ёзилган. Иш ҳужжатларининг деярли рус тилида ёзилиши натижасида ўзбек тили расмий услубининг бу йўналишида янги лексик бирликларнинг яратилишига эҳтиёж бўлмаган. Рус тили иш ҳужжатлари андозаси асосида ёзилган расмий ҳужжатларда айнан рус тили лексикасига оид терминлар кўплаб қўлланган. Масалан, акт, справка,

характеристика, адрес, автобиография, устав, печать, виза, лицензия кабилар.

Мустақиллик даврида ўзбек расмий иш ҳужжатлари услуби янгидан шаклланди десак, муболага бўлмайди. Бу даврда расмий иш ҳужжатларида кенг қўлланиб келинган русча терминлар имкон қадар ўзбекча янги ясалмалар билан, ҳеч бўлмаганда, узоқ йиллар давомида ўзбек халқи хотирасидан ўрин олиб бўлган форс-тожикча, арабча муқобиллари билан алмаштирилди. Масалан: рапорт - билдирги (билдириш), печать - муҳр, адрес - манзил, характеристика - тавсифнома, регистрация - қайдлов кабилар.

Бу каби янгиланишлар бугунги ислохотлар даврида расмий услубда юз берган ўзгаришларни таҳлил қилиш, мазкур услуб тараққиётига таъсир кўрсатувчи эстраллингвистик омиларни аниқлаш, бошқа тиллар, хусусан, рус тили расмий услубининг ўзбек тили расмий услуби лексикаси, морфологияси, синтаксисига таъсирини ўрганиш, иш ҳужжатлари матнини стандартлаштириш каби муаммоларни келтириб чиқарди. Бу услубда турли типдаги матнлар билан иш кўрилиши, бунинг устига, уларнинг ҳар хил ёзиб келинаётганлиги, айниқса, иш ҳужжатларини тузишда ҳанузгача бир хилликка эришилмаганлиги расмий услубни такомиллаштириш, иш ҳужжатларига оид услубий меъёрларни оммалаштириш ҳамда ёзиш қоидаларини ўргатиш каби вазифаларни ҳам юзага келтирди.

Мустақиллик даврида иш юритиш ҳужжатлари лексикасида юз берган муҳим ўзгаришлар ҳақида фикр юритар экан, Д.Худойберганова бу соҳада олиб борилган янгиланишлар сифатида қуйидаги икки ҳолатни кўрсатади: 1. Ҳужжат номининг ўзбек тилида мавжуд бўлган сўз билан алмаштирилиши: адрес - манзил, биография - таржимаи ҳол, бланк - босма иш қоғози, вексель - қарздорлик ҳужжати... 2. Ҳужжат номининг ўзбек тили меъёрлари асосида ҳосил қилинган янги сўз ва бирикмалар билан алмаштирилиши: анкета - сўровнома / сўров варақаси, ведомость - қайднома, виза - рухсатнома, гриф - устхат... [6. 18]. Назаримизда, бу ўринда бланк

сўзига муқобил сифатида шакллантирилган босма иш қоғози ёки вексель сўзини алмаштирувчи қарздорлик ҳужжати бирикмасини "Ўзбек тилида мавжуд бўлган сўз"лар сифатида эмас, тилнинг ички имконияти асосида ҳосил қилинган номлар сифатида баҳолаш тўғрироқдир.

Мустақиллик даври ўзбек тили расмий услуби лексик қатламида, асосан, қуйидаги сезиларли ўзгаришлар юз берган дейиш мумкин: 1) рус тили ва у орқали бошқа тиллардан ўзлашган бир қатор лексик бирликлар "ўзбекчалаштирилди"; 2) расмий услуб лексик тизимига янги сўзлар кириб келди; 3) айрим сўзлар эскириб, расмий услуб лексик тизимидан чиқиб кетди; 4) баъзи архаик сўзлар қайта тикланиб, янги маъно касб этди ва расмий услубнинг фаол бирлигига айлангилди.

Қайд этилган жараён расмий иш ҳужжатлари услубида ҳам кузатилди. Расмий иш ҳужжатлари услубида қўлланиб келган русча лексемалар қуйидаги тартибда "ўзбекчалаштирилди":

а) ўзбек тилида мавжуд бўлган муқобил сўзлар билан алмаштирилди: приказ - буйруқ, поручение - топшириқ, платёж - тўлов, опись - хатлаш, призыв - чақирёқ, предупреждение - огоҳлантириш, регистрация - қайдлов кабилар;

б) араб, форс тилларидан ўзлашиб, ўзбек тили луғат бойлигидан ўрин олган сўзлар билан алмаштирилди: адрес - манзил, взнос - бадал, бюллетень - варақа, залог - гаров, штраф - жарима, секретарь - котиб (котиба), администратор - маъмур кабилар;

в) муқобил ясалмалар ҳосил қилинди: акционер - акциядор; аукционист -

аукциончи, договор - битим, членская книжка - аъзолик дафтарчаси, консультант - маслаҳатчи, извещение - билдириш хати, хабарнома; справочник - билдиргич, маълумотнома; доверенность - ваколатнома, посылка - жўнатма, инструкция - йўриқнома, бюллетень - овоз бериш варақаси, расписка - тилхат, накладная - юкхат кабилар.

Мустақиллик даврида айрим сўзлар эскириб, ўзбек тили расмий иш ҳужжатлари лексик қатлаמידан чиқиб кетди: машинистка, ёзув машинкаси кабилар. Бу даврда ўзбек тили расмий иш ҳужжатлари услубига баъзи эскирган сўзлар янги маъноси билан кириб келди ва бу услубнинг фаол бирлигига айланди. Масалан, тарихий сўзга айланган ёрлиқ лексемаси "Бирор амал, унвон, суюрғол ва ш. к. берилганлиги ҳақидаги расмий ҳужжат; фармон" [7. 46] маъносини йўқотиб, фахрий ёрлиқ бирикмаси таркибида янги маъно касб этди.

Хуллас, ўзбек тили расмий услуби лексикаси узоқ йиллар давомида таркиб топган. Мустақиллик даврида нутқнинг барча функционал услублари қаторида расмий услуб лексик қатлами ҳам жуда кўп янги сўзлар билан бойиди ва янада такомиллашди. Бугунги кунда ўзбек расмий услуби янгиланган ўз лексикасига эга. Унинг лексик қатлаמידан услубий белгиси, вазифаси, расмий матнни шакллантиришдаги ўрнига кўра фарқланувчи бирликлар, жумладан, услубий хосланган лексик бирликлар, умумтил нутқиға оид нейтрал бирликлар ҳамда расмий матнни мантиқий-семантик жиҳатдан шакллантирувчи таянч бирликлар мақомидаги махсус бирликлар ўрин олган.

Адабиётлар:

1. Аминов М., Мадвалиев А., Маҳқамов Н., Маҳмудов Н. Иш юритиш. 2-нашри. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. - Б.304.
(Aminov M., Madvaliev A., Mahkamov N., Mahmudov N. Paperwork. 2- edition. - Tashkent: National Encyclopedia of Uzbekistan, 2003. - P. 304)
2. Аминов М., Мадвалиев А., Маҳқамов Н., Маҳмудов Н. Иш юритиш. 2-нашри. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. - Б.15.
(Aminov M., Madvaliev A., Mahkamov N., Mahmudov N. Paperwork. 2- edition. - Tashkent: National Encyclopedia of Uzbekistan, 2003. - P.15)

3. Караулов Ю.Н. Русский ассоциативный словарь как новый лингвистический источник и инструмент анализа языковой способности // Русский ассоциативный словарь. Книга 1. - М., 1994. - С. 191.

(Karaulov YU.N. Russkiy assotsiativniy slovar` kak noviy lingvisticheskiy istochnik i instrument analiza yazykovoy sposobnosti // Russkiy assotsiativniy slovar`. Kniga 1. - M., 1994. - S. 191.)

4. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. - Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашр., 2007. - Б. 131, 146.

(Mahmudov N. O'qituvchi nutqi madaniyati. - Toshkent: Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashr., 2007. - B. 131, 146)

5. Стилистический энциклопедический словарь русского языка: <https://stylistics.academic.ru/> (Stilisticheskiy entsiklopedicheskiy slovar` russkogo yazika: <https://stylistics.academic.ru/>)
6. Худойберганова Д. Мустақиллик даврида иш юритиш лексикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. 2017. - №3. - Б. 18

(Xudoyberganova D. Mustaqillik davrida ish yuritish leksikasi // O'zbek tili va adabiyoti. 2017. - №3. - B. 18)

7. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2 томлик. 60000 сўз бирикмаси / Акобиров Б.Ф., ва бошқалар. - М.: Рус тили, - 1981. Т.1. / А-Р. -Б. 46.

(O'zbek tilining izohli lug'ati. 2 tomlik. 60000 so'z birikmasi / Akobirov B.F., va boshqalar. - M.: Rus tili, - 1981. T.1. / A-R. -B. 46.)